

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЮДЖЕТ ТИЗИМИ ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Суванкулов Алиасқар Раҳмонкулович –  
и.ф.н., ТМИ «Бюджет ҳисоби ва газначилик иши»  
кафедраси доценти в.б., Email: aliasqar@gmail.com*

Иқтисодий амалиётда бюджет ташкилотларини ички аудит хизмати молиявий ҳисобот маълумотларининг ишончилигини таъминлаш ва бюджет - смета интизомини мустаҳкамлашда қўлланиладиган муҳим услубиятга айланмоқда. Кейинги йилларда давлат молиясини бошқаришни ислоҳ этиш жараёнида бюджет ташкилотларида ички аудит фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, Давлат бюджети давлатнинг марказлаштирилган маблағлар жамғармаси бўлиб, у давлатнинг вазифаларини бажаришни молиялаштиришга йўналтирилади. Кейинги йилларда барча мамлакатларда давлат бюджетининг аҳамияти ошиб бормоқда. Хусусан, давлат бюджетининг аксарият мамлакатларда ялпи ички маҳсулотга нисбатан улуши 40-60 фоизни ташкил этмоқда ва бу нисбатнинг ўсиши кузатилмоқда. Бундай шароитларда бюджет маблағларидан самарали фойдаланишнинг моҳияти ҳам ошади. Давлат молиявий назоратида ички аудитнинг роли, аҳамияти ва уни амалга ошириш йўналишлари хусусида сўз юритишдан олдин, ушбу тушунчанинг мазмун моҳиятини ёритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Давлат молиясини бошқариш тизимини янги босқичга олиб чиқиш ва бюджет интизомини янада мустаҳкамлаш, солиқ-бюджет тизимининг шаффофлигини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, Давлат бюджетини ўрта муддатли давр учун режалаштиришнинг замонавий усулларини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 506-сон 2020 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори билан давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясининг 5 йиллик даврга мўлжалланган асосий йўналишлари белгиланди.

Масалага оид кўплаб адабиётлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ички аудит тушунчасига таърифлар ва изоҳлар берилган. Ички аудиторлар институти (The institute of internal auditors) томонидан берилган таърифга кўра, “Ички аудит бу ташкилот фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган мустақил ва ҳолис кафолатлар ва маслаҳатлар бериш фаолиятидир. Ички аудит ташкилотга ўз мақсадларини рискларни бошқариш, назорат ва корпоратив бошқарув жараёнларининг самарадорлигини баҳолаш ва яхшилашга тизимли ва изчил ёндашиш орқали амалга оширишда кўмаклашади” [13]. Ушбу таърифда ички аудитнинг мақсади ва функциялари ўз ифодасини топган бўлиб, улар умумий тарзда ифодаланган. 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида харажатларнинг ижтимоий

йўналтирилганлигини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш белгиланган [1].

Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар асосан бюджет ташкилотлари зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўладиган молиявий ресурслар ҳисобига амалга оширилади. Бундай маблағларнинг мақсадли ва оқилона сарфланишини таъминлаш ва улар бўйича тегишли ахборотларни шакллантириш эса уларда самарнали бухгалтерия ҳисоби ва ички аудитни ташкил этиш асосида амалга оширилади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига биноан таълим ва тиббиёт муассасаларида бюджет жараёнининг шаффофлигини янада ошириш ва унинг устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, бюджетдан молиялаштириш, ҳисоб ва ҳисобот механизмини такомиллаштириш, вазирлик ва идораларнинг бўйсунувидаги муассасаларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш борасидаги масъулиятини ошириш, шунингдек, замонавий ахборот технологиялари ва халқаро эътироф этилган молиявий назорат стандартларини жорий қилиш йўли билан бюджет қонунчилигини бузиш ҳолатларининг олдини олиш ва профилактикасига қаратилган давлат молиявий назоратининг ролини тубдан қайта кўриб чиқиш мақсадида [3] ва 2017 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасида ва уларга буйсунувчи қуйи муассасаларда бухгалтерия хизматлари тугатилиб, халқ таълими туман (шаҳар) бўлимларида ва тиббиёт бирлашмаларида марказлаштирилган молия бухгалтерия хизматлари ички аудит ва молиявий назорат хизматлари ташкил этилди ва унинг асосий вазифалари белгиланди.

Турли мамлакатларда давлат секторида ички аудит хизматини такомиллаштириш бўйича бир қанча илмий тадқиқот марказлари ва институтлари томонидан изланишлар олиб борилмоқда. Булар жумласига: American Institute of Certified Public Accountants (AICPA), Center for Accounting Research and Technology (АҚШ), Institute for Public Sector Accounting Research (IPSAR) (Шотландия), Public Expenditure Management Peer Assisted Learning (PEMPAL), International Financial Reporting Standards of Board (IFRSB), The Institute of Internal Auditors (IIA), Stanford University, (АҚШ), University of Cambridge [12], Россия Федерацияси ҳукумати қошидаги молия университети (Россия), Тошкент молия институти киради.

“Буюк депрессия” деб ном олган иқтисодий инқироздан кейин 1939 йилдан бошлаб Америка дипломли бухгалтерлар уюшмаси (American Institute of Certified Public Accountants — AICPA) ўзининг аудиторлик фаолияти тўғрисида илмий мақолалар чоп эта бошлади. 1941 йилда эса нистабан катта бўлмаган мутахассислар томонидан Ички Аудиторлар Институти (Institute of Internal

Auditors — ПА) ташкил этилди ва ҳозир унинг фаолияти 150 дан ортиқ мамлакат вакиллари ассоциацияси ташкил этилган.

Англиялик олим Р.Доджнинг[7] фикрича, “..ички аудит ички назоратнинг таркибий қисми бўлиб, фирма бошқаруви томонидан хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил этиш мақсадида ташкил этилади”. Бошқа инглиз олими Р.Адамс[8] ҳам “..ички аудитни фаолияти иқтисодий субъектлар томонидан ички захиралардан самарали фойдаланишни текшириш, баҳолаш ва сифатли ҳисоботларни тайёрлаш ҳамда бошқа хўжалик фаолиятини назоратини амалга оширадиган муҳим элементдир” деб ҳисоблайди.

Америкалик олимлар Э.А.Аренса ва Дж.К.Лоббеклар[9] “...ички аудит-бу хўжалик субъектининг аудити бўлиб, бошқарув тизимини бизнесни самарали фаолият юритиши учун самарали қарор қабул қилиши учун қимматли маълумотлар билан таъминлайди” дейишади.

Россиялик олимлар А.Алборов, Л.Хоружим ва С.Концевалар[10] фикрича “...ички аудит-бу аслида ташкилотнинг ички назорат тизимидир. Бошқача айтганда, ички аудит бу корхонани ва унинг бўлимлари фаолиятини самарали бошқаришни назоратидир”.

В.Д. Андреев эса [11] “...ички аудит тушунчаси бир мунча кенг бўлиб, у фақат назоратгина эмас, балки бошқарув функциясини бажарувчи тизимдир” деб таъриф беради.

А.М. Богомоллова ва Н.А. Голощаповалар [12] фикрича «...ички аудит (ички хўжалик ва фирмаларни) – умумий аудитини таркибий қисми бўлиб, иқтисодий субъектда уларни бошқаруви томонидан ташкил этилиб, ички ҳужжатларга биноан бухгалтерия ҳисобини юритиш, хусусий мулкни кўриқлаш ва ички назорат тизимини ишончли бошқаришдир”.

Масалан, профессор С.Меҳмоновнинг фикрича, “Ички аудит ташкилот томонидан сметаларни тузиш ҳамда ижросини амалга оширишни қонунчилик ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш йўли билан назорат қилиш, молиявий ҳисобот маълумотларини ишончилигини таъминлаш, бюджет смета интизомига риоя қилиш, маблағларни мақсадли ва оқилона сарфланишига йўналтирилган фаолиятдир” [6].

Ҳозирги кунда давлат секторида ички аудитнинг методологик асосларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда:

- давлат харажатлари молиявий назоратида ички аудит хизматидан кенг фойдаланиш;
- ички аудит текшируви ҳамда молиявий назоратни замон талаблари асосида ривожлантириб бориш;
- ҳисоб юритиш ва ички аудитни самарали қўллаш асосида ташкилотларда харажатларни қисқартиришга эришиш.

**Хулоса.** Ўзбекистонда бюджет харажатларидан самарали фойдаланиш мақсадида бюджет ташкилотларида халқаро стандартларга асосланган ички аудит хизматини ташкил этиш борасида амалий ишлар бажарилмоқда. Бунинг учун бюджет ташкилотларида халқаро стандартларга асосланган бухгалтерия ҳисобини жорий этиш, бюджет ташкилотларида фаолият юритаётган бухгалтер



ва ички аудит хизматчиларини малакасини ошириш мақсадида ўқув марказларини ташкил этиш, уларни тегишли ўқув қўлланмалари, информацион технологиялари асосида дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни амалий жараёнларга киритиш борасида аниқ тадбирлар белгиланмоқда. Бу эса Ўзбекистонда бюджет даромад ва харажатларини назоратини такомиллаштириш, уларни самарадорлигини ошириш имкониятини бериш билан бирга иқтисодиётга солиқ юкини камайтириш имкониятини беради. Маълумки, бюджет ташкилотларида ички аудитнинг асосий мақсади маблағларнинг мақсадли сарфланишини ҳамда фаолиятнинг натижадорлигини таъминлашга қаратилган. Бюджет ташкилотларида ички аудит хизматининг самарадорлиги кўрсаткичларига қуйидагиларни меъёрларни киритиш мақсадга мувофиқдир:

- бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолияти йўлга қўйилгандан кейин молиявий қоидабузарликларнинг камайиш кўрсаткичларининг миқдор ва қиймат параметрларини белгилаш;
- ички аудит хизмати тавсияларининг ижросини таъминлаш ҳисобига бюджет харажатларининг самарадорлигини ошириш;
- бюджет ташкилоти зиммасидаги вазифаларни ижобий бажарилишини натижалари.

Бунда бюджет ташкилотларида ички аудит фаолияти самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан ички аудит хизмати ходимларининг малака даражасига боғлиқдир. Шунинг учун ҳисобга олиб, бюджет ташкилотлари ички аудит хизматининг ходимларига қўйиладиган малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек ишлаб чиқилган илмий-назарий ҳамда амалий тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши давлат молиясини ислоҳ этиш жараёнида давлат секторида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш концепцияси, ҳамда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-589-сон "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида"ги Қонуни, [//www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон [//www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги "Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмининг ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ-3231-сон Қарори. Молия Ва Солиқлар. Иқтисодиёт ва таълим / 2021 йил, 4-сон, [//www.lex.uz](http://www.lex.uz).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат

молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2022 йил 14 февралдаги ПҚ-128-сон қарори, //www.lex.uz

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 августдаги 416-сон “Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизмати тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори, //www.lex.uz

6. Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2018. – 74 б.

7. Додж Р. Краткое руководство по стандартам и нормам аудита: Пер. с англ.; предисловие С.А. Стукова. — М.: Финансы и статистика; ЮНИТИ, 1992. — 240 с.: ил. (Аудит: теория и практика).

8. Адамс Р. Основы аудита: Пер. с англ./ Под ред. Я.В. Соколова. — М.: Аудит, ЮНИТИ, 1995. — 398 с.:

9. Аренс А., Лоббек Дж. Аудит: Пер. с англ./ Гл. редактор серии проф. Я.В.Соколов. - М.: Финансы и статистика, 1995. -560 с.:

10. Алборов Р.А., Хоружий Л.И., Концевая С.М. Основы аудита: Учебное пособие. - М.: Издательство «Дело и Сервис», 2001. -224 с.

11. Андреев В.Д. Внутренний аудит: Учебное пособие. — М.: Финансы и статистика, 2003. — 464 с.: ил.

12. Богомолов А.М., Голощапов Н.А. Внутренний аудит. Организация и методика проведения. — М.: «Экзамен», 1999. — 192 с.

13. [https://en.wikipedia.org/wiki/Institute\\_of\\_Internal\\_Auditors](https://en.wikipedia.org/wiki/Institute_of_Internal_Auditors).

14. [www.mf.uz](http://www.mf.uz) – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти.

15. <https://global.theiia.org>-Ички аудиторлар институти расмий веб сайти.